



## XORAZM VILOYAT SOG'LIQNI SAQLASH BOSHQARMASI

### BUYRUQ

“ 9 ” “Сентябрь”

2021 yil 231-11 son

Urganch sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи ижроси тўғрисида**

“Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли Фармони, 2018 йил 22 июндаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3800-сонли қарори ва “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 248-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи таъминлаш мақсадида,

#### Буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

#### 2. Қуйидагилар:

ОИВ инфекциясини текширишга йўналтириш ва маслаҳатни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 1-иловасига мувофиқ;

002501

ОИВ инфекциясининг лаборатория диагностикаси бўйича кўрсатмалар ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 2-иловасига мувофиқ;

ОИВ инфекцияси аниқланганда эпидемиологик суриштирув ишлари олиб бориш қоидалари ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 3-иловасига мувофиқ;

ОИВ инфекцияси бўйича олиб борилаётган тадбирлар мониторинги ва вазиятга баҳо бериш бўйича йўриқнома ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 4-иловасига мувофиқ;

“Ишонч хоналар” фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 5-иловасига мувофиқ;

“Дўстона хона” низоми ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 6-иловасига мувофиқ;

Ассистент ёрдамида ўзини ОИВ инфекциясига текшириш бўйича қўлланма ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 7-иловасига мувофиқ;

Психологик ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқнома ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 8-иловасига мувофиқ;

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларга психосоциал ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича йўриқнома ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 9-иловасига мувофиқ;

ОИВ инфекцияли шахслар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатувчи мультидисциплинар гуруҳлар ҳақида низом ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 10-иловасига мувофиқ;

Тиббиёт ходимларининг ОИВ инфекцияси бўйича билим савияларини ошириш тўғрисидаги йўриқнома ССВ нинг 06.09.2021 йилдаги 219-буйруғи 11-иловасига мувофиқ ижроси таъминлансин.

3. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги барча даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига:

Даволаш-профилактика муассасаларида ички буйруғига биноан ОИВ инфекциясини тарқалишини олдини олиш тадбирларини ташкиллаштириш ва ижросини назорат қилиш бўйича масъул мутахассис тайинлансин ҳамда уни мунтазам равишда ОИВ инфекцияси бўйича тайёргарликдан ўтиб бориши таъминлансин.

ОИВ инфекцияли шахсларни ўз вақтида рўйхатга олиш, тегишли тиббий кўриқдан ўтказиш, улар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини ҳисобга олган ҳолда тестдан олдин ва тестдан кейинги маслаҳат ўтказилиши таъминлансин.

ОИВ инфекцияси юктириш хавфи юқори бўлган шахсларни тиббиёт муассасаларида ОИВ инфекциясига текширувлар қамраб олиш бўйича самарали чоралар кўрилсин.

Иш фаолиятидан қатъий назар, барча тиббиёт ходимларини тасдиқланган дастурга мувофиқ ўқитиш ва ОИВ масалалари бўйича билимлари ошириш чоралари кўрилсин.

Тиббий кенгашларда ОИВ инфекциясининг парентерал ва вертикал юқишининг ҳар бир ҳолати, ОИВ инфекциясини юктирган беморларнинг кеч аниқланиши (3-4 босқичда) ҳолатлари, тиббиёт ходимларининг билимларини ошириш бўйича тадбирларни ташкил этишдаги камчилилар танқидий кўриб

чиқилсин ҳамда тиббий муассасалардаги ОИВ инфекциясига оид бошқа долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўрилсин.

Юқумли касалликлар шифохоналарида ва бўлимларида ОИВ инфекцияли беморларни даволаш учун ажратилган ўринларнинг доимий фаолият юритиши ва ОИВ инфекцияли беморларни даволовчи шифокорлар Республика ва вилоят ОИТСга қарши курашиш марказларида доимий равишда малакалари ошириб бориши таъминлансин.

4. Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари Б.Норметовга:

Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий авария ҳолатлари қайд этилганда, мулоқотдан кейинги профилактика ўтказиш учун ретровирусга қарши препаратларнинг захираси етарли миқдорда бўлиши таъминлансин;

Марказ ва туманлараро ОИВ диагностик лабораторияларини мукамал таъмирлаш, замонавий диагностика асбоб-ускуналари, тест системалар, реактивлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш соҳасида профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш ва марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича самарали чоралар кўрилсин;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасида фаолият олиб борадиган жамоат, халқаро ва бошқа ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб борилсин;

ОИВ инфекциясини юқтириб олиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар ўртасида дозорли эпидемиологик назорат ўтказиш ва ахлоқий асослар ҳамда миллий анъаналарни ҳисобга олиб, аҳолининг турли қатламлари учун ОИВ инфекцияси бўйича профилактик дастурлар ишлаб чиқиш чоралари кўрилсин;

ОИВ юқишининг тахминий вақтини, ОИВ инфекциясига резистентликни аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини ўтказиш ва натижаси бўйича олинган маълумотлардан амалиётга татбиқ этиш учун даволаш-профилактика дастурлари ишлаб чиқиш чоралари кўрилсин;

Аҳоли орасида ОИВ инфекциясининг парентерал ва вертикал йўл орқали юқишининг ҳар бир ҳолати, ОИВ инфекциясини юқтирган беморларни тиббий муассасаларда кеч аниқланиш (3-4 босқичли) ҳолатлари бўйича, ваколатли хизмат мутахассислари жалб этилган ҳолда эпидемиологик суриштирув ва текширувлар ўтказилсин, қонун талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланганда, ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда ҳуқуқ тарғибот органларига тақдим этилсин;

ОИТСга қарши курашиш марказини диагностика ускуналари, дори воситалари, тест системалар, реактивлар, бир маротабалик тиббий жиҳозлар, ахборот ва ўқув материаллари, профилактика ва бошқа воситалар билан узлуксиз таъминланиш чоралари кўрилсин;

Ҳомиладор аёлларни ОИВ инфекциясига текшириш мақсадида, вилоятдаги барча туғруқ мажмуалари ва бўлимларини ОИТСга қарши курашиш маркази ҳисобидан етарли миқдорда экспресс тест-системалари билан таъминлаш чоралари кўрилсин.

Ҳар чоракда иммуноблотга қайта текширув (арбитраж) учун намуналарнинг 10 фоизи Республика ОИТСга қарши курашиш марказига сифат назоратидан ўтказиш учун юборилсин;

Ҳар бир аниқланган ОИВ инфекцияси ҳолати бўйича эпидемиологик, лаборатория ва даволаш жиҳатларини ҳамда реал вақт режимида диагностика, дори воситалари ҳаракатини инобатга оладиган мониторинг ахборот тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш, дастурнинг самарали ишлашини таъминлаш учун халқаро ташкилотлар, грант маблағлари ва бошқа донор ташкилотлар имкониятларини кенг жалб этиш чоралари кўрилсин;

“Ишонч хоналар”, “Дўстона хоналар” базаларида, кўчма лабораторияларда, шунингдек, жамоат ташкилотлари иштирокида тезкор ОИВ-тестларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали аҳолини ОИВ инфекциясига текширувлар билан қамраб олишни кенгайтириш чоралари кўрилсин;

Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ вазиятнинг ўзгаришига қараб, “Ишонч хоналари” миқозлари учун профилактика воситалари (бир марта ишлатиладиган шприц ва игналар, спиртли салфеткалар ва бошқалар) билан таъминлаш учун қўшимча меъёрларни жорий этиш имконияти назарда тутилсин.

5. Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиғи в.в.б М.Самандаровга:

Диагностика ва даволаш мақсадларида ишлатиладиган дорилар, биологик суюқликлар, аъзо ва тўқималарнинг хавфсизлиги устидан доимий назорат ўрнатилсин;

Барча тиббиёт муассасаларида ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ОИВ инфекциясига қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ижроси устидан назорат кучайтирилсин.

6. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2018 йил 28 майдаги 197-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошқарма бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Содиқов, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиғи в.в.б М.Самандаров зиммасига юклатилсин.

**Бошқарма бошлиғи**



**И.Хажиев**